

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

П.М. Турсунхўжаев, Ш.М. Ўлжаева

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДОН МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШИШ ТАРИХИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

(ўқув қўлланма)

Тошкент - 2007

Техника фанлари доктори, профессор П. М. Турсунхўжаев ва тарих фанлари номзоди, доцент Ш.М. Ўлжаеваларнинг “Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш тарихи ва истиқболлари” мавзуида ёзилган ўқув қўлланмасида юртимизда дон мустақиллигига эришиш тарихи ва истиқболлари баён этилган бўлиб ушбу тадқиқот ўзининг статистик ишонарли маълумотларга бойлиги, соҳа тараққиётининг тизимли ва даврий равишда таҳлил этилганлиги билан аҳамиятлидир.

Муаллифларнинг дон мустақиллигига эришиш тарихи ва бу соҳанинг бугунги кундаги истиқболларини таҳлил этиши талабаларнинг билим ва тасаввурларини оширишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Тузувчилар: *П.М.Турсунхўжаев*
Ш.М.Ўлжаева

Мундарижа

1. Кириш.....	4
2. Октябр давлат тўнтаришига қадар дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш тарихи.....	6
3. Советлар даврида дон етиштириш ва қайта ишлаш тарихи.....	22
4. Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш ва унинг аҳамияти.....	39

КИРИШ

Маълумки, дон етиштириш ва қайта ишлаш жараёнлари минглаб йиллар аввал аجدодларимиз томонидан кашф этилган ҳамда бу борада ҳалқимиз бебаҳо тажрибаларни қўлга киритган.

Нон ўзбек ҳалқи дастурхонининг кўрки, муқаддас таом саналиб ҳалқимизнинг турмуш тарзи шу муқаддас неъмат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Ҳалқимизда нон азалдан илоҳий неъмат сифатида эъзозланади. Ҳатто ноннинг ушоғини исроф қилиш ҳам гуноҳи азимлардан ҳисобланиб келинган.

Инсониятнинг онгли ҳаётга ўтиши асносида янги кашфиётларга имкон яратилган, термачилик деҳқончиликнинг келиб чиқишига, деҳқончиликнинг милоддан аввалги олтинчи минг йилликда кашф этилиши дон етиштириш, қайта ишлаш технологияларини ўрганишга ва шу асосда минглаб йиллар давомида бу соҳани такомиллаштиришга замин яратган.

Дастлабки пайтларда кели, ёрғичоқ ва бошқа оддий ускуналардан донни майдалашда фойдаланилган бўлса, бугунги кунга келиб дон етиштиришда навларга ва уларни қандай етиштиришга эътибор қаратиш, унинг илмий асосларини яратиш, донни қайта ишлаш кимёвий технологиясини модернизация қилиш жараёнлари, шунингдек улардан тайёрланадиган таомларнинг сифати, узоқ сақланиши, эстетик ҳолатлари борасида катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Чор Россияси ва совет даврида хомашё базасига айлантириш мақсадида юртимизда пахта яккаҳокимлигига эътибор қаратилиши аجدодларимиз томонидан дон етиштириш борасида қўлга киритган ютуқларнинг унутилиб кетиш хавфини уйғотган эди.

Шунингдек бу даврда ижтимоий меҳнат тақсимооти яхши йўлга қўйилмаган, собиқ СССР давлатининг таназзули унга қарашли бўлган барча давлатларда у ёки бу соҳадаги катта муаммоларни келтириб чиқарган эди.

Бу инқироз Ўзбекистон учун аввало дон танқислиги масаласини келтириб чиқарган эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимиз эҳтиёжини таъминлаш мақсадида катта маблағ эвазига Ўзбекистон четдан дон маҳсулотларини олиб келар, ҳали оёққа туриб олмаган ёш давлатимиз учун бу молиявий жиҳатдан анча қийинчиликларни келтириб чиқарар эди.

Давр дон маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш технологияларига алоҳида эътибор беришни тақозо этди. Бу борада давлатимиз стратегик йўналишларини белгилади ва пировард натижада дон мустақиллигига эришилди.

Ушбу қўлланмада Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш тарихи ва унинг истиқболлари ҳақида маълумотлар жамланган.

1. Октябр давлат тўнтаришига қадар дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш тарихи

Инсониятнинг дон маҳсулотларидан тайёрланган таомларга эҳтиёжи минг йиллар илгари пайдо бўлган.

Биз қадимги аجدодлар ҳаётини ўрганар эканмиз, ҳали бирор маҳсулот ишлаб чиқаришга имкони бўлмаган қадимги одамзоднинг термачилик ва овчилик орқасидан ҳаёт кечиргани, жумладан доннинг бошоқларни териб, таомланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Милоддан аввалги IV-VI минг йилликлар инсоният тарихида туб бурилиш даврини бошлаб берди ва бу даврда илк марта термачилик асосида деҳқончилик кашф этилди. Бу бевосита дон экинларининг хонакилаштирилиши билан ҳам боғлиқ.

Юритимизда бронза даврида кенг миқёсда бошоқли экинлар етиштириш бошланди. Бу даврда ун маҳсулотларига бўлган талаб яна-да ошди, ғалла донларидан олинадиган маҳсулотлар (ун, ёрма ва бошқалар)дан нон, турли пишириклар, ҳамда овқатлар тайёрланган. Чунки улар таркибида инсон организми учун зарур бўлган оксил ва углеводлар мавжуд.

Оддий ёрмачоқдан инсонлар бундан 4,5-5 минг йил илгари озиқ маҳсулоти сифатида фойдаланганлар (1-2 расм).

Қадимдан ота-боболаримиз дон ва донни қайта ишлаш илмини ўзлаштира борганлар.

Улар асосан дондан ун олишда икки тошдан иборат ёрмачоқ қўл тегирмони, ёғочдан тайёрланган ўғир, кейинчалик сув тегирмонларини кашф этиб бу соҳада сифат ўзгаришларини бошлаб берганлар.

Ҳозирги кундаги тўла автоматлашган йирик корхоналар пайдо бўлиши учун минг йиллаб вақт талаб этилган. Яқин Шарқда шамол тегирмонлари бундан 3000 йил аввал, Европада эса 1000 йил аввал пайдо бўлган, сув тегирмонларидан эса 2000 йил аввал фойдаланилган.

Қадимги давлатлардаги юксак тараққиёт ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёнинг инсоният тамаддуни марказига айланишига олиб келади.

Бу дон ва донни қайта ишлаш, дон маҳсулотларидан сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда ҳам яққол кўринади.

Валли станок 150 йил илгари яратилган бўлиб, ундан ун тортиш жараёнларини жадалаштириш ва дон эндосперм қисмидан ажратиб олишда фойдаланилган, бунинг натижасида аста-секин навли ун ишлаб чиқаришга асос солинди.

Дон тозалаш технологияси бўйича янги ускуналарнинг яратилиши дон массасида мавжуд бўлган чиқиндиларни юқори самара билан тозалаш, натижада дондан сифатли маҳсулот олинишига ёрдам берди.

Тозаланган донларни шаффофлигига кўра ва уларнинг ёрма – дунст фракцияларга саралаб юқори сифатли маҳсулотларнинг сифатини яхшилаб, меҳнат унумдорлиги ва корхона рентабеллик даражасининг ошишига олиб келади.

Янги, юқори унумдорликка эга бўлган валли станок рассев ва совуриш элаш ускуналари ёрдамида майдалаш ва ун тортиш системалари такомиллашиб борди.

Соҳанинг ривожланиши ва унинг муттасил такомиллашиш жараёнлари олим ва мутахассислар эътиборини жалб этиб келган. Технологик жараёнлари ўзининг тузилиши жиҳатидан жуда мураккаб бўлиб, у механика, физика, назарий механика, автоматика ва бошқа фанлар асосида янада ривожланиб боради.

Россияда биринчи бўлиб буғ ёрдамида ҳаракатга келадиган тегирмон 1818 йили Ғарбий Европадан олдин қурилган. Черепановнинг 4 от кучи ёки унумдорлиги 1,5 т/с тенг бўлган буғ ускунасидан тош тегирмонда донни майдалаш учун фойдаланилган. Биринчи маротаба бутунлай валли станоклар билан қуроллантирилган тегирмон 1858 йили Қозон шаҳрида қурилади. Шу тариқа уннинг қайта ишлаш саноати жадал суратларда ривожланиб боради.

XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё Буюк Британия ва Россия ўртасидаги рақобат объекти бўлиб қолади.

Шу асрнинг иккинчи ярмига келиб эса у чор армияси қўшинлари томонидан босиб олинди ва 1867 йил 11 июлдаги махсус қонун асосида маркази Тошкент шаҳрида бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилади.

Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларида ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими жорий этилиб, у роппа роса ярим аср ҳукмронлик қилди. XIX асрнинг 80 йилларидан чор ҳукумати Туркистон қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказди. Кўплаб ерлар, шу жумладан бизнинг республикамиз ҳудудидаги ерлар ҳам давлатники бўлди, хусусан, эгалик қилишни кўрсатувчи ҳужжати бўлмаган ер эгаларининг ерлари ҳам давлат ҳисобига ўтди. Ислоҳотдан сўнг ана шу ерлар чор ҳукумати ерлари деб аталади ва уларга ишлов берувчи деҳқонлар Россия давлати фойдасига солиқ тўплашлари зарур эди.

Бу вақтга келиб суғориш каналларининг эскиларини кенгайтириш ва янгиларини куриш бўйича катта ҳажмдаги ишлар авж олди, чор ҳукумати шулар ҳисобига муҳтож бўлган Америка пахтаси экиладиган суғориладиган ерлар майдонини анча кўпайтиришни мўлжалланган эди. Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида пахта экиладиган майдонлар айниқса тез суръатлар билан ортиб борди. Масалан, 1888 йилда айтиб ўтилган вилоятларда пахта 75 минг гектар экин майдонини эгаллаган бўлса, 1918 йилда эса 703 минг гектар ерни ишғол қилди, бу барча суғориладиган ерларнинг 31 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Бунда пахта экиладиган суғориладиган майдонларни кенгайтириш асосан бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, буғдой, шоли, арпа, маккажўхори, беда ва бошқаларни сиқиб чиқариш ҳисобига амалга оширилди. Бу чоризмнинг иқтисодий сиёсати уни Россия империясининг аграр хом-ашё базасига, арзон пахтани ишончли етказиб берувчига ва ўз саноатининг фойда келтирадиган мол сотиладиган бозорига айлантиришга йўналтирилганидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг республикаимизга нисбатан юритилган бундай иқтисодий сиёсат 1917 йилдан кейин ҳам ўзгармади. Фарқ фақат шундан иборат эдики, ҳалқимиз аввал чор Россиясининг зулми остида бўлса, кейинчалик, то Ўзбекистон мустақилликка эришгунча бу ўлкада ҳамма нарсани ҳал қиладиган коммунистик диктатура зулмидан эзилган эди. Айнан шу омиллар бизнинг республикаимиз озиқ-овқат саноатининг структураси ва ривожланиш суръатини олдиндан белгилаб берган.

Архив материаллари шундан далолат берадики, XIX асрнинг бошларида Туркистон ўлкаси ҳудудида бирор-бир йирик дон сақланадиган омбор бўлмаган, омбор хўжалиги лой ва сомон томли кичик синчли иморатлардан иборат бўлиб, улар ҳужжатлардан бирида ёзилишича, “қишки ва баҳорги ёмғирлар натижасида таниб бўлмас даражада ювилиб кетар ва ҳар йили капитал таъмирлашни талаб қиларди”.

Ана шундай омборларни фақат йирик ер эгалари ва савдогаргина куриш имкониятига эга эдилар, улар деҳқонлардан донни кўпинча ўрилмасдан аввал сотиб олиб, кейин уни яна қайта сотардилар. Аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи камбағал деҳқонлар эса ўзларининг кичик майдонларидан ўриб олган ва асосан ўз эҳтиёжларига мўлжалланган донни ёрдамчи қурилмалари ёки ўзлари яшайдиган хоналарда ҳамбаларда сақлаганлар.

Ўша вақтларда бизнинг республикаимиз ҳудудида бирорта ҳам йирик тегирмон бўлмаган, дондан ун ва ёрма олиш учун дарё бўйида тарқоқ жойлашган жуда кичик, маҳаллий тегирмон ва обжувозларда қайта ишлов берилган. Улар бу ерларга чор қўшинлари бостириб келишдан анча илгари қурилган эди.

Туркистон генерал-губернаторининг фармонида кўра тузилган ва иш олиб борган комиссиянинг маълумотларига кўра, 1870 йилнинг бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шундай тегирмон ва обжувозлар сони беш мингдан кўп бўлган. Уларнинг ҳаммаси фақат тегирмонтош билан жиҳозланган бўлиб, ҳар бири иш куни давомида атиги бир неча центнер

донга қайта ишлов бера оларди, уларда дон аввалдан ифлосликлардан тозаланмасдан тортилган ва оқланган.

Бу тегирмон ва обжувозалар ўзи яқинида жойлашган кичик дарё ва каналларнинг сув режимига тўлиқ боғлиқ ҳолда ишлаган. Ёз вақтларида уларнинг кўпчилиги тўхтаб қолар, қишда эса умуман ишламасди. Бирок шунга қарамасдан, сақланиб қолган ҳужжатларга асосланиб айтиш мумкинки, улар Ўзбекистон мустамлакага айлантирилгунга қадар бир неча ўн йиллар давомида ва ундан кейин ҳам ун ва ёрма ишлаб чиқариш бўйича асосий ускуналар бўлган ва аҳолининг қайта ишланган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирган. Бирок бу тегирмонларнинг асосий қисми ўз вақтида сув босимини ва ирригация тармоқларининг аниқ имкониятларини ҳисобга олмасдан режасиз қурилгани эди. Шунингдек улардан узоқ вақт давомида фойдаланиш натижасида улардан кўплари ҳар йили ишдан чиқиб борарди. Шу билан бир вақтда шаҳар аҳолисининг ўсиши муносабати билан ун ва ёрмага бўлган эҳтиёж доимий равишда ортиб борди.

Бу ҳолат айниқса Ўзбекистонни чор Россияси босиб олгандан сўнг тезда аниқ кўзга ташланди, бу вақтда ўз ҳарбийлари ёрдамида бу ерга Россия империясининг марказий ва бошқа регионларидан турли-туман корхона эгалари, шунингдек сургун қилинганлар ва революционерлардан иборат рус кўчманчилари оқими ёпирилиб кела бошлади. Бу даврда янги тегирмон корхоналари қурилиши оммавий тус олди, шу билан бирга улар йирикроқ ўлчамли тегирмонтошли дастгоҳлар билан жиҳозланди, сув босими паст бўлган нисбатан катта ва суви кўп каналларга эса икки ва ҳатто учтадан тегирмонтошлар ўрнатилди, бу уларнинг қувватини аввалгиларига нисбатан кўпайтиришга имкон берди. Самарқанд вилоятидаги Сиёб каналининг қуввати айниқса интенсив ошди, бу канал ўша вақтда анча кенгайтирилди ва суви янада кўпайди. XIX асрнинг охирига келиб ана шулар каналда 162 та термон ва 132 та обжувоз ҳисобида турган (улар икки фоизли умумдават тушуми тўлаганлар). Бутун Ўзбекистон бўйича эса уларнинг сони олти мингдан ортиқ бўлган (1900 йил учун Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё

вилоятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси “Прогнозстат” Давлат кўмитасининг статистик умумий маълумоти). Йирикроқ сув тегирмонлари қурилиши билан бир вақтда уларнинг баъзиларига эловчи элаklar ўрнатилди, бу донни тортишдаги оддий ун тортишда кичик микдорда навли ун ажратишга имкон берди. Натижада бу янгилик деярли барча йирик дон тозалаш тегирмонларига жорий этилди.

Сув тегирмонларини қуришга жуда катта эътибор қаратилди. Ўзбошимчалик билан (рухсатсиз) қурилишга йўл қуймаслик учун, уларни қуришга рухсатномани фақат вилоят ҳарбий губернаторлиги берган. Бунда вилоят бош муҳандис-ирригаторларининг тегирмон қуриш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Улар жавобгарликни ўз бўйнига олган.

Фарғона вилоят губернаторининг архив материалларида инженер-ирригатор Г.А. Павлов иши бўйича ёзишмалар мавжуд. Унинг мазмуни қуйидагича: шу ерлик киши унга тегишли майдондан оқиб ўтувчи ариқда сув тегирмони қуришга рухсат сўраб губернаторга ариза беради ва рад жавобини олади. Сўровчи бу қарорга рози булмайди ва ариза билан маъмуриятга мурожаат қилади. Генерал-губернатор томонидан тузилган комиссия ғаразгўйлик мақсадида рад жавоби берганлигини аниқлайди. Г.А. Павлов ўз лавозимидан келажакда бундай ўринни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда бўшатилади. Ҳолбуки, Ўзбекистон иқтисодиётида, чоризмнинг реакцион сиёсатига карамай, позитив ўзгаришлар рўй бера бошлади. Капиталистик муносабатлар элементлари ривожлана бошлади. Пахта етиштириш ҳажмининг ортиши муносабати билан қишлоқ хўжалик маҳсулдорлиги ўсади, пахта хом-ашёсига биринчи қайта ишлов бериш билан боғлиқ саноат ривожланди. Пахта тозалаш саноати билан бир қаторда, у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ёғ ишлаб чиқариш саноати сезиларли даражада ривож топди. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тегирмон ва шоли тозалаш саноати ривожланиб борди. Капитализм ривожининг бевосита оқибати бизнинг республикамиз ҳудудида қишлоқ

хўжалик маҳсулотлари: пахта, ёғ, дон, шойи, қорақўл, жун ва бошқа маҳсулотларга ишлов бериш соҳасида савдогар-саноатчилар гуруҳининг пайдо бўлиши ҳисобланади. Туркистон буржуазиясининг энг йирик вакиллари Вадьяев, Потеляхов, акционерлик жамияти эгалари Андреевлар, Катта Ярославль мануфактураси эгалари, шунингдек маҳаллий аҳоли орасидаги корхона эгалари-Гадойбой, Орифхўжа, Миркомилбой ва бошқалар эдилар. Уларнинг ҳаммаси миллионлаб капиталга эга эдилар. Улардан баъзилари нафақат пахтага қайта ишлов берувчи корхоналар, балки тегирмонлар, ароқ ишлаб чиқарувчи, пиво тайёрлайдиган ва кўнчилик заводларни ҳам ташкил этганлар. Шундай турдаги корхоналар Тошкентда XIX асрнинг 70-йилларидаёқ пайдо була бошлаган эди.

1867 йилда Тошкентлик корхона эгалари Н.В. Ульянов, Н.П. Писаревский, Н.Н. Касьянов, И.О. Плавицкий ва А. Яблонскийлар Тошкентнинг «Осиё қисмида» буғдойни қайта ишлаш учун Европа типдаги биринчи сув тегирмонини қурилади. Иккинчи шунга ўхшаш тегирмонни шу йилнинг ўзида штаб-капитани Какурин бунёдга келтирди. Учинчи, аммо янада йирикроқ тегирмонни 1877 йилда савдогар Ф.Фишер қуради. Охиргисининг қурилиши 1876 йилда Тошкентнинг «Осиё қисмида», аввалги Себзор кучасида ҳозирги Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси яқинида қурилади. Тегирмоннинг асоси Россиядан келтирилган пишиқ ғишдан қилинган темир бетон пойдеворга қурилган. Тегирмон ускуналарини ҳаракатга келтириш учун махсус узатма қурилади. Улар Оренбургда тайёрланган. Тегирмон иккита валлистаноклар билан жиҳозланган. Сувдан фойдаланганлиги учун тегирмон эгаси Тошкент шаҳар хазинасига йилига 100 рублдан тўларди. Ўзининг техник жиҳозланиши ва қуввати бўйича у Ўзбекистон ҳудудидаги ўша даврдаги шу турдаги тегирмонларнинг энг йириги ҳисобланган. У бир суткада 10 тоннагача навли ун ишлаб чиқарган, у Туркистон округининг маҳкамаси билан шартномага кўра қўшинларга ун маҳсулотлари етказиб берилган. Бундай типдаги тегирмонлар қурилиши XIX асрнинг охирларига қадар давом этди, шу билан

бирга улардан баъзилари чет эл ускуналари билан жиҳозланган. Айнан шундай тегирмонни 1879 йил Самарқанд шаҳридаги Сиёб каналида, Иванов ховузи дамбасида чор армиясининг заҳирадаги поручиги Д.Лямин қурган.

Унинг бу корхонаси 1877 йил савдогар Фишер томонидан қурилган Тошкентда тегирмоннинг нусхаси эди. Бундан ташқари, тегирмонда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий қисмини у ҳам, худди Фишер каби, ҳарбий қисмларга етказиб берган, сувдан фойдалангани учун эса Самарқанд ғазнасига йилига 100 рубл тўлаган. Д. Лямин 15 минг рубл давлатдан муддатли қарз олган ва ўз тегирмони ёнида чет эл ускуналари билан жиҳозлаган, шоли заводи қурган, унинг қурилишига 18 минг рубл сарфлаган.

Ун тортиш ва ёрма саноати князь Николай Константинович Романовнинг ҳам назаридан четда қолмаган, у 1876 йилдаги сарой фитнаси туфайли Россия императори Александр II томонидан Туркистонга сургун қилинган ва бу ерда генерал-губернатор назорати остида бўлган. Октябрь давлат тўнтаришигача бўлган Туркистоннинг булғуси йирик ер ва корхона эгаларидан бир бўлган. Россия мустамлакачилик сиёсатининг энг фаол йўлбошчиси бўлган Н.К. Романов 1881 йил Тошкентда шолидан ёрма олиш заводи ва тегирмон куриб, технология ускуналарини Германиядан олиб келинган машиналар билан жиҳозлаган.

Ўзининг унумдорлигига кўра улар нисбатан кичик корхоналар эди. Жумладан, тегирмон бир суткада 8 тоннагача навли ун ишлаб чиқарган, шоли заводи эса-шоли оқшоғини ҳисобламаганда, 3 тоннадан сал кўпроқ гурунч ишлаб чиқарган. Бироқ техник жиҳозланиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича улар ўша вақтдаги энг яхши корхоналар қаторига кирган. Тегирмонларни унча таниқли бўлмаган корхона эгалари ҳам қурганлар. Бунга Тошкентдаги ҳозирги 3-ун тортиш заводи мисол бўлади, у 1885 йил «Петербург компанияси»нинг асосчилари ака-ука Каменскийлар томонидан қурилган. У Англияда ишлаб турган ун заводи лойиҳаси бўйича бунёд этилган. Бу лойиҳа Петербургда ҳам ўзини кўрсатишга улгурган

бўлиб, бу ерда ҳам 1884 йилда Каменскийлар шунга ўхшаш тегирмон қурган.

Унинг қурилиши учун Тошкентнинг шимолий чеккасидаги Салор дарёси танланган. Қурилишнинг бевосита раҳбари муҳандис Мелковский ҳисобланган. Барча технологик, транспорт ускуналари ва 75 от кучига тенг қувватга эга бўлган сув турбинаси Петербургдан олиб келинган.

Бу тегирмон бир суткада 30 тоннадан кўпроқ навли ун ишлаб чиқарган ва 25 йил давомида (1910 йилгача) Туркистон ўлкасидаги энг йирик, техник жиҳозланишига кўра энг яхши тегирмон ҳисобланган.

1912 йил охирида тегирмон Нижний Новгородлик корхона эгаси Ф.Кричигинга ижарага берилади, у тезда тегирмон бошқарувчиси бўлди ва Октябр давлат тўнтаришигача шу вазифада қолди. Тошкентда ўша вақтда энг йирик тегирмон қурган ака-ука Каменскийлар ташаббуси 6 йилдан кейингина рухсат берилди. Буни 1891 йилда А. Мирошниченко амалга оширилди, у бир неча йиллар давомида анча машҳур бўлган Д. Ляминга қарашли тегирмон ва шоли заводининг бошқарувчиси ҳисобланган.

У Самарқанд уездида, Сиеб каналига ўз тегирмонини қурган ва бир суткада 20 тоннагача навли ун ишлаб чиқарган.

Шундай йирик тегирмонларнинг қаторга киритилиши ва кичикрок сув тегирмонлари қурилишининг давом этиши натижасида Туркистонда унни сотишда қийинчиликлар пайдо бўла бошлади. Баъзи тегирмон эгалари, жумладан Газаров, Гукасов ва Миршониченколари Закаспий темир йўли йуналиши бўйича жойлашган шаҳарларда ун билан савдо қилдилар. Россия маъмурлари бундан дарҳол хулоса чиқардилар ва унни Туркистон ўлкасидан Закаспий темир йўли бўйича транспортда ташиш учун таърифни деярли икки марта оширдилар. Шу билан бир вақтда Самарқанд вилоятига бугдой ташиш таърифи оширилди.

Архив материалларига кўра, Тошкент 1-ун тегирмони Нижний Новгородлик турт савдогар ака-ука Облаевлар ва шу губернянинг

Лукаяновский уездидаги икки дехқон, шунингдек Кричигинларнинг маблағларига қурилган.

Улар Тошкентда Н.Л. Синевага қарашли уч ярим гектар ер майдонини сотиб оладилар ва ўзаро «Биринчи Тошкент тегирмон ширкати» ташкил этиш ва Тошкентда тегирмон қуриш учун шартнома тузадилар.

Қурилиш 1909 йилнинг августида бошланган. Бир йилдан сўнг унинг қурилиши тамомланган ва тегирмон ишлай бошлаган. Тегирмонда валлари ўлчами 1000*250 мм бўлган 14 та валли станоклар, 15 та рассев, 5 гуруҳли совуриш элаклар 7 та ёрма 3 та жилвирли оқлагич, 3 та тарар 6 та фильтр ва 5 та куколажратгичлар ишлаб турган. Бу барча ускуналар 250 от кучига тенг кувватга эга бўлган дизел двигателлари ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

Ўзининг техник қурилмаси унумдорлиги ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг сифати бўйича у Туркистон ўлкасидаги энг яхши тегирмон бўлган, лекин фақат бир йилдан ортиқроқ вақт давомида, яъни 1912 йил 5 мартгача фаолият юритган.

1916 йил апрелида шерикларнинг жанжали сабабли унинг ишини тўхтатиш масаласи Тошкент шаҳар думасининг мажлисларидан бирида кўриб чиқилди. 1917 йил бошида тегирмон ширкати аъзоларини тегирмонни ишга туширишга мажбур қилишга уринишлар ҳам бўлди, лекин улар натижа бермади. Тегирмон 1918 йилнинг охирида, қачонки у давлат мулкига айлантирилгандан сўнг ўз ишини янгидан бошлади. Давлат тўнтаришигача бўлган даврда қурилган йирик тегирмонлар қаторига Андижон, Қува ва Фарғона тегирмонлари киради. Фаолият кўрсатаётган тегирмонлар қаторига киритилган биринчи кунлариданоқ уларнинг ҳар бир суткада 20-25 тоннагача навли ун ишлаб чиқарган.

Улар Туркистон буржуазиясининг бой вакиллари-Потеляховлар (Андижонда), Андреявский (Қувада), оренбурглик савдогарлар Юров (Фарғонада)лар томонидан барпо қилинган, улар 1911-1912 йилларда ишга туширилган.

Оренбургда худди шундай ширкатга савдогар Юров эгалик қилган.

Бу тегирмонларнинг уч қаватли катта бинолари темирбетон пойдеворга пишиқ ғишдан тикланган бўлиб, Россиядан келтирилган энг ун тортиш ва дон тозалаш машиналари: валли станоклар, рассевлар, сепараторлар, жилвирли тозолагичлар, кукол ажратгичлар, филтрлар, куввати 70-80 от кучига тенг бўлган ҳаракатга келтирувчи механик двигателлар билан жиҳозланган эди.

Бу корхоналар чор режимида қурилган энг охирги валли тегирмонлар бўлган, чунки 1912 йилда уларнинг қурилиши тўхтатилган.

1917 йилгача барпо қилинган ва ривожланган тегирмон саноатини тавсифлар эканмиз, биз фақат 11 та тегирмон ҳақида гапирдик, 1913 йилгача бундай тегирмонлардан 84 та майда тегирмонлар қурилган эди.

Бу шу билан изоҳландики, кўрсатилган 11 та тегирмон бўлиб, улардан энг йириклари, сараланган маҳаллий ва чет эл ускуналари билан жиҳозланган эди. Уларнинг қуввати бир йил давомида 40 тоннагача навли ун ишлаб чиқариш имконини берарди. Айнан ана шу тегирмонлар вақти келиб бизнинг республикамиз тегирмон саноатининг асосини ташкил этади.

Кўрсатиб ўтилган ун тортиш корхоналаридан ташқари 1913 йилнинг бошларида 93 та валли тегирмонлар мавжуд бўлган, лекин уларнинг барчасининг унумдорлиги паст, турли хил ун тортиш ва элаш машиналари билан жиҳозланган уларнинг бинолари эса зарур талабларга жавоб бермайдиган материаллардан тикланган эди.

Нормал ишланганда, улар йил давомида 70-100 тоннадан кам бўлмаган навли ун ишлаб чиқара оларди.

Худди ана шу даврда тегирмонтош дастгоҳи билан жиҳозланган обжувоз 6 мингга яқин тегирмон ишлаб турган. Уларнинг асосий қисми кичик каналлар яқинига қурилган бўлиб, улардан фойдаланиш айниқса қурғоқчилик йилларида сув режимида ҳал килувчи даражада боғлиқ бўлган.

Шу билан бирга бундай корхоналарнинг асосий кўпчилиги жуда содда, тозаланган йирик ун тортадиган дастгоҳда ишлаган. XX аср бошларида

қурилган бир неча минг тегирмонлар унча кўп бўлмаган миқдорда навли унни ажратадиган мосламага эга бўлганлар.

Кўрсатилган олти минг тегирмонтошли тегирмонлар ҳар йили 350 дан 500 минг тоннагача оддий тортилган ун ишлаб чиқарган. 1913 йилнинг бошларида бизнинг республикамиз ҳудудида ишлаб турган ун тортиш корхоналарининг бутун тармоғи йилига 460-640 тонна ун, шу жумладан 110-140 минг тонна навли ун ишлаб чиқарган. Ун тортиш корхоналаридан ташқари, 17 та шоли заводи ва икки мингга яқин обжувозлар ишлаб турган.

Хом ашё мавжуд бўлиб ва нормал ишлаганда улар йилига 80 минг тонна шоли ёрмаси ишлаб чиқара олган. Бундай миқдордаги ун ва шоли ёрмаси аҳолини таъминлаш учун ортиғи билан етарли эди. Ўзбекистон ҳамма даврларда ҳам истеъмолчи регион бўлган, деган одатий фикрларга қарамай, архив материаллари бунинг аксидан гувоҳлик беради-Ўзбекистон аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммо илгари бўлмаган. Бу ҳолат биринчи жаҳон урушигача сақланган, фақат қурғоқчилик йилларидагина етишмаган миқдордаги дон Шимолий Кавказ ва Оренбургдан келтирилган. Об'ектив олиб қараганда, бундан бошқача бўлиши мумкин эмасди.

Россия империяси деҳқончилик министрлигининг маълумотларига кўра, дон экинларига мўлжалланган ерларнинг ўзи 1631350 га ни ташкил этган, жумладан, Самарканд вилоятда –264445, Сирдарё-578837, Фарғонада-788068 га дан иборат бўлган.

Бундан ташқари, лалми ерларнинг 484498 гектаридан экин учун фойдаланилган, шу жумладан Самарканд вилоятида-221846, Сирдарё вилоятида-116928, Фарғона вилоятида-145724 гектарни ташкил этган.

Шундай қилиб, 1893 йил бошида суғориладиган ерлар билан бирга дон экинлари учун 2115848 га экин майдонларидан фойдаланилган. Бу республикамиз ташкил этилгандан сўнгги бутун даврда дон етиштиришда фойдаланилган энг катта ер майдони бўлган. Об-ҳаво шароитларига боғлиқ

ҳолда дон экинларининг ҳар йилги ялпи ҳосили бу даврда 800 минг дан бир ярим миллион тоннагача етган.

1893 йилда аҳолини рўйхатдан ўтказиш маълумотларига кўра бизнинг республикамиз ҳудудида ўша вақтда 3,530 минг киши яшаган, улардан 723 минги ёки 20 фоизи шаҳарлик, 2807 минги ёки 80 фоизи қишлоқ аҳолиси бўлиб, улар фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, кўп миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирганлар, лекин улар чор ҳукумати томонидан ҳисобга олинмаган. Архив материалларидан маълум бўлишича, мавжуд дон ресурслари билан нафақат ўз аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш, балки баъзи даврларда уларни республикадан ташқарига олиб чиқиш имкони бўлган. Масалан республика архивида сақланаётган божхона пунктлари ҳужжатлари маълумотларига кўра, 1884-1888 йиллар мобайнидаги даврда Бухоро ва Хива хонликлари (улар чор ҳукумати томонидан тўла асоратга солинмаган ва 1920 йилгача Туркистон ўлкасига кирмаган эди) умумий баҳоси 7 млн 55 минг рубл бўлган 134,5 минг тонна ун ва турли донлар чиқариб юборилган, 1889-1894 йиллар давомида эса 4 млн рублдан ортиқ суммадаги дон маҳсулотлари чиқарилган. Туркистон ўлкаси генерал-губернаторининг ҳисоботидага маълумотларга кўра, нафақат дон маҳсулотлари, балки чорвачилик маҳсулотлари ҳам чиқарилган.

Ўрта Осиёдан жуда катта ҳажмдаги моллар Россия тўғри ва энг қисқа йуллардан Оренберг, Троицк ва Петропавловск шаҳарлари орқали олиб кетилган. Туялар қарвони (15 дан 18 минг бош ҳар йили) Россияга пахта, гиламлар, қўй териси, ип, бўз, мевалар, ун ва бошқа молларни етказиб берган.

Шу қарвонларнинг ўзи Россиядан, темир, буюм ҳолидаги чўян, пўлат буюмлар, мис, бўёқчилик моллари, полотно, рўмоллар, докалар, қанд ва бошқа моллар олиб келган.

Дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган моллар руйхатларида кўрсатилмаган.

XIX аср охири-XX аср бошларида дон экинлари экилган суғориладиган ерлар жадал равишда пахта экишда фойдаланиш учун ўтказила бошлади, шу билан боғлиқ ҳолда дон экинлари етиштириш йил сайин қисқара борди. 1913 йил бошида дон экинлари экиладиган суғориладиган ерлар 1539 минг га ни ташкил этди ёки 1893 йилдагига нисбатан деярли 600 минг га камайди.

Шу вақтнинг ўзида бизнинг республикамиз аҳолиси 836 минг кишига кўпайди. 1912 йилга келиб эса, қуруқ мевалардан ташқари озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тўхтатилди.

Республикамиз чор Россияси томонидан босиб олинганга қадар дон тайёрлаш ва сотиш тарқоқ ҳолда амалга оширилган. Бу масалаларни ўрганадиган ва кўриб чиқадиغان бирорта муассаса бўлмаган. Чор кўшинлари бостириб киргандан сўнг, 1867 йилдагина Туркистон генерал-губернаторлигида Тошкентда Интендантлик маҳкамаси ташкил этилиб у бошқа хўжалик масалалари билан бир қаторда ҳарбий бўлинмаларни озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи билан ҳам шуғуллана бошлади.

1877 йилда худди шундай бошқарма Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлигида, 1887 йилда эса Самарканд вилояти ҳарбий губернаторлигида ташкил этилди.

Хусусий шахслар каби, бу органлар томонидан ҳам дон маҳсулотларини тайёрлаш фақат эркин савдо-сотиққа асосланган ҳолда олиб борилди. Дон маҳсулотларини сотиб олувчилар ҳарбий интендантликлар вакиллари бўлиб, улар маҳсулот учун нақд пул билан ҳисоб-китоб қилганлар, бунинг устига маҳаллий савдогарлар ва воситачиларга нисбатан юқорироқ нархларга сотиб олганлар. Бундай ҳолат ҳарбий интендантларни бошқа харидорларга нисбатан устунроқ бўлишларига олиб келган, чунки дон сотувчилар биринчи навбатда интендантлар билан олди-сотди қилишга интилардилар. Ҳарбий таъминотчиларнинг хатти-ҳаракатлари устидан бир неча бор шикоят қилинса-да, бироқ улар натижасиз бўлди, чунки бундай шикоятлар вилоятлар губернаторларига келиб тушса ҳам, уларнинг санкцияси (рухсат) шунга ўхшаш келишувлар билан амалга оширилган.

Ҳарбий бўлинмаларнинг эҳтиёжлари учун маҳаллий донни сотиб олиш билан бир вақтда, унга хусусий тегирмонларда қайта ишлов бериш кенг қўллана бошлади.

Бу иш интендент бошқармалар билан тегирмон эгалари ўртасида улар учун қулай шароитларда тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилган. Бундай шартномалар бўйича доимий равишда асосан икки-уч минггача кичик уезд тегирмонлари ишлаган, улар йил давомида чор қўшинларининг эҳтиёжлари учун 15-30 минг тонна тозаланган ва навли ун ишлаб чиқарган. Дон асосан тегирмон эгалари томонидан сотиб олинган.

Аҳолини таъминлаш учун тайёрланадиган дон эса кўп ҳолларда воситачилар орқали ўтарди. Ҳосилни етиштирган деҳқонлар камдан-кам ҳоллардагина бевосита истеъмолчилар билан иш олиб борганлар. Воситачи-тайёрловчилар йирик ҳажмдаги донни йиғиб, унга дастлабки ишлов бериш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланганлар.

Донга баҳо қўйиш унга бўлган талаб ва таклифлардан, шунингдек у қайси вақтда сотилишига қараб белгиланган: кузда, йиғим-терим вақтида-арзонроқ, баҳорда-қимматроқ бўлган.

Бироқ турли сабабларга кўра, шу билан бир қаторда доимий пул бўлмаслиги сабабли деҳқонлар ўз донларини донга энг паст нарх қуйилган пайтда, йиғим-терим вақтида сотишга мажбур бўлардилар.

Нархларнинг ўзгариб туришидан аввало воситачилар фойда кўрардилар, улар кўпинча бунда йирик пул маблағи тўплардилар, энг уддабуронлари эса-катта бойликка эга бўлиб, бой савдогарга айланарди. Россиялик сенатор К. Пален раҳбарлигида 1908 йил Туркистон ўлкасида ўтказилган текширув материалларига кўра, Сирдарё, Самарканд ва Фарғона вилоятларида томорқа хўжалиги деб аталувчи майда деҳқончилик устунлик қилган, улар 0,5 дан 2 гекторгача ерга эга бўлиб, унда ғалла етиштирилган. Улар барча деҳқончилик хўжаликларининг 84,4 фоизини ташкил этган ва асосан товар ҳолидаги дон етиштирувчилар бўлган. Айнан ана шу тоифадаги хўжаликлар донни йиғим-терим даврида сотишга мажбур эдилар.

13,8 фоиз хўжаликлар дон экинлари экилган икки-беш гектар ерга эга эдилар. Қолган кисми, яъни 1,6 фоизи йирик хўжаликлардар иборат бўлиб, уларда ёлланган меҳнатдан кенг фойдаланилган. Йирик хўжаликлар дон сақланадиган омборларга зарур дон тозалаш ва транспорт механизмларининг тўпламига эга эдилар, бу уларга етиштирилган донни энг қулай вазиятларда сотиш имконини берарди.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Россия империясида озиқ-овқат таъминлаши мураккаблашди. Шу муносабати билан дон тайёрлаш Туркистон ўлкаси деҳқончилиқ ва ер тузиш бошқармасига юкланди. Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида вакиллик лавозимлари таъсис этилди, улар атрофида маҳаллий озиқ-овқат кенгашлари пайдо бўлди. Бироқ тезда дон сотиб олиш ва аҳолини дон билан таъминлаш шу вилоятлар ҳарбий губернаторларига ўтказилди. Уларга озиқ-овқат ва ем-хашак маҳсулотларига нарх белгилаш ва зарур бўлганда қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини мусодара қилиш ҳуқуқи берилди.

1916 йил Туркистон ўлкасида “озиқ - овқат” разверсткаси (тақсимлаш) амалга оширилган донни давлат хазинасига мажбурий етказиб бериш жорий этилди.


Шундай қилиб XIX асрнинг охирида дон етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасинининг келгуси тараққиёти чор маъмуриятининг назорати остида бўлди, уларнинг тадбиркорлигига катта имкониятлар яратилгани ҳолда маҳаллий аҳолининг имтиёзлари анча чеклаб қўйилди.

3. Советлар даврида дон етиштириш ва қайта ишлаш

XX аср бошларида Ўрта Осиёда пахта майдонларининг кенгайиб бориши туфайли ўлка иқтисодиёти ўзгарди. Бунинг натижасида каттарок қувватга эга бўлган товар тегирмонларини барпо этиш зарурияти пайдо бўла бошлади ва Самарқанд (1898 й), Андижон (1901 й). Тошкент (1909 й) шаҳарларидаги тегирмонлар қайта қурилиб, буғдойдан бир неча навли ун ишлаб чиқарадиган, электр қуввати ёрдамида ва чет эл технологияси асосида ишлайдиган тегирмонларга айлантирилди.

1917 йил февраль воқеалари, Октябр давлат тўнтариши ўлка сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди.

Туркистон ўлкасида 1917 йил 28 ноябрь-5 декабрда Тошкент шаҳрида, 1918 йил мартида эса Ўзбекистоннинг ўлка таркибига кирувчи барча районларида ўтказилган Советларнинг III Ўлка съездида большевиклар ўз диктатураси тузилганини эълон қилдилар. Бошданок ўзбек халқи янги ҳокимиятга нисбатан ўзларининг кучли қаршиликларини билдирдилар. Кўплаб ҳудудларда Советлар билан қуролли курашлар кўпайиб борди. Савдогарлар, корхона эгалари, дон етиштириладиган кўплаб деҳқонлар ҳам қаршилик кўрсатдилар. Бу курашда дон нафақат биринчи зарур озиқ маҳсулоти, балки сиёсий масалаларни ҳал қилиш воситаси бўлди. Донни яшириш ва ҳатто йўқотиш ҳоллари оммавий тус олди. Ана шундай шароитда дон тайёрлашни ташкил этиш муаммолари фавқулодда мураккаб тусга эга бўлди. Биринчи босқичда озиқ-овқат масаласи барча дон маҳсулотлари заҳираларини рўйхатга олиш йўли билан ҳал қилинди. Бунда барча шаҳарлар, уездлар, темир йўл станциялари, омборлар, тегирмонлар, обжувозлар ва майда новвойхоналардаги заҳиралар ҳисобга олинди. Бу дон заҳираларининг ҳаммаси янгидан қайта ташкил этилган Туркистон республикаси озиқ-овқат Халқ комиссариати ихтиёрига берилди ва улардан фақат ана шу ташкилотнинг рухсати билан фойдаланила бошланди.



Мутахассисларнинг эътибори тегирмонларни қайта тиклаш, маҳсулот бирлиги учун сарф бўладиган хом ашё миқдорини иқтисод қилиш каби чоратадбирларга қаратилди. Бунинг натижасида дон ресурслари иқтисод қилиниб, ун ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. 1921 йилда тегирмон саноати озиқ-овқат халқ комиссариати ихтиёрига ўтади. 1922 йили “Хлебопродукт” ҳиссадорлик жамияти тузилиб, унинг қарамоғида “Азияхлеб” трести ташкил топади. Шу йиллардан бошлаб тегирмонлар йириклашиб, майдалари эса аста-секин камая борди. 1932 йили “Азияхлеб” жамияти қайта тузилиб, унинг ўрнига “Трестсредазглавмука” ташкил этилади. Бу трест таркибига

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизтон ва Туркистон республикаларида жойлашган ун, ёрма ишлаб чиқарувчи корхоналар кирарди. “Трестсредазглавмука” бошлиғи қилиб А.И. Якубов тайинланди. 1938 йили “Трестсредазглавмука” таркибидаги ун-ёрма корхоналарининг сони 3814 га етди, булардан 24 таси товар тегирмонлари эди. Товар тегирмонлари ялпи маҳсулотнинг салкам 80% ини ишлаб чиқарса, қолган қисми эса қишлоқ хўжалиги тегирмонлари зиммасига тўғри келарди. Шунга қарамасдан, майда тегирмонлар Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолисини ун билан таъминлашда муҳим ҳисса қўшиб келди. Республикада ун ишлаб чиқариш ҳажми 1941 йилга келиб 1917 йилга нисбатан 10 марта ортди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида барча корхоналар бир навли ун ишлаб чиқаришга ўтиб, барча кучларини фронт учун сафарбар этади. 1950-1955 йилларга келиб кўпгина корхоналар техника билан қайта қуролланди, 1955 йилнинг охирларида асосий дастгоҳ бўлган валли станокларнинг 63,5%и, ун элаклари, дон тозалайдиган машиналарнинг 64%и алмаштирилди. 1956 йил сентябрь ойида “Трестсредазглавмука” ўрнига Республикаси Дон маҳсулотлари Министрлиги ташкил этилади. Тадбиркор, ишчан ва талабчан инсон М.Ю. Қурбонов министр этиб тайинланади. 1956-65 йилларда тегирмон саноати олдиға ун ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, уннинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларини кўтариш масалалари асосий вазифа қилиб қўйилди. Шу йилларда йирик ун комбинатлари қурилиб, дон қабул қилиш пунктларида 25 та кичик ҳажмға эға бўлган, кунига 15 т. навли ун ишлаб чиқарадиган, чет элдан олиб келинган тегирмон монтаж қилинди. Уларнинг кунига 375 тонна ун ишлаб чиқарарди. Ҳаракатдаги товар тегирмонлари реконструкция қилиниб, улар янги техника ва илғор технология билан жиҳозланади. Юқори даражада механизациялашган тегирмонлар қурила бошланди. Шулар жумласига Фарғона (1962 й), Янгийўл (1963 й), Андижон (1965 й), Самарқанд (1967 й), Бухоро (1968 й) ва Навоий (1960 й)даги тегирмонларни киритиш мумкин. Республикада 1971-1975 йилларда кунига жами 540 т ун ишлаб чиқариш

қувватига эга 7 та корхона: Жиззах (1971 й), Оҳангарон (1971 й), Қўқон (1971 й), Қарши (1973 й), Асака (1974 й), Жомбой (1974 й) ва Тахиатош (1975 й)да ишга туширилди. 1980 йили тегирмонлар 6330 т донни қайта ишлаб, маҳсулот олиш қувватига эга бўлиб, Улуғ Ватан уруши давридагига нисбатан бир неча марта кўп ун ишлаб чиқара бошлади. 80-йилларда булар қаторига Хонқа ва Учқўрғондаги Швейцария лицензияси асосида тўла автоматлашган, кунига 500 т. уч навли ун ишлаб чиқарадиган тегирмонлар қўшилди.

Шу йилларда ун ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг унумдорлиги 1220 т/с га тенг эди. Бу ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми республика аҳолисининг 6% ини ҳам таъминлай олмас эди. Шунинг учун унни асосан Россия ва Қозоғистон республикаларидан олиб келинарди. Бу эса катта маблағ талаб этарди. Шунинг учун ҳам ун ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида қисқа вақт ичида уларнинг унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масаласи қўйилади. Бунинг учун режа асосида ички захиралардан тўла фойдаланиш, корхоналарни янги техника ва технология билан қуроллантириш, реконструкция қилиш ва ишчилар ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш зарур эди. Бу соҳада олиб борилган техникавий қуролланиш миқёси натижасида валли станокларнинг 63,5% и, дон тозалайдиган ва элайдиган ускуналарнинг эса 84 %и янгиланди. Шу билан бирга ун ишлаб чиқарувчи ускуналарга бериладиган салмоқ оғирликлари ҳам кўпайтирилди. Агар шу техникавий тадбирлар натижасида ун ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, маҳсулот сифати яхшиланиб, корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари-рентабеллиги яхшиланди (1-жадвал).

**Ўзбекистон ун саноати корхоналарида 1956-1965 йилларда ишлаб
чиқариш унумдорлигининг ўсиши (т/сутка)^x**

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	1956	1965	1965 йил 1956 йилга нисбатан % да
Тегирмонларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги (тн)	1220,0	3440,0	282,0
Шу жумладан навли унлар (тн)	1085,0	2985,0	275,0
Навли ун тегирмонларининг салмоқдорлиги (%)	88,9	86,8	97,0

^x-Республика нон маҳсулотлари министрлиги маълумотларидан олинган.

Жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, қисқа даврда соҳа мутахассисларининг меҳнатлари натижасида тегирмонларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги 282,0%, навли маҳсулотларнинг ҳажми 97,0% га ортди.

Тегирмонлар унумдорлигининг ўсиб боришига узоқ масофалардан олиб келинган дон ҳисобига эришиларди. Қишлоқ аҳолиси техника экинлари (пахта, каноп ва бошқалар) етиштириш билан банд бўлгани сабабли уларни доимо ва ўз вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларнинг вақтларини тежаш учун меҳнат унумини ошириш зарур эди. Бир қатор техникавий тадбирларни жорий этиш натижасида ун ишлаб чиқариш корхоналарида техника ва технология такомиллаштирилди, Тошкентдаги 1 ва 2-ун комбинатларининг дон тозалаш цехларига пневмотранспорт ўтказилди. 1-ун комбинатида ун ва ёрмаларни автомат ёрдамида кичик идишларда

қадоклаш йўли қўйилди, ҳамда қўл кучи билан ун цехларида (70 кг) унларни РК-34 русумли штабел шакллантирувчи ускуналар зиммасига юкланди. Қишлоқ дўконларида ун маҳсулотлари бўлмаган вақтларда, оила аъзолари донни сув тегирмонларига олиб бориб тортиб келишар эди. Бу эса кўп вақт талаб қиларди. Бу жараён 100% механизациялаштирилди. Тошкентдаги 1 ва 2, Фарғона, Андижон ва Наманган ун комбинатларида пневмотранспорт йўлга қўйилиши ва ишлаб чиқариш майдонларига қўшимча ускуналар ўрнатилиши натижасида тегирмонларда ишлаб чиқариш унумдорлиги ўсди. Элеваторларда донларни қабул қилиб олиш, уларни сифатига кўра силосларга жойлаштириш, масофадан (дистанцион) автомат ёрдамида бошқариш енгиллашди.

Бу техникавий чора-тадбирлар донни қайта ишлаш техникасини тубдан ўзгартириб юборди. Технологиянинг ривожланиши дондан унумли фойдаланиш, маҳсулот навини кўпайтириш ва уннинг сифатини оширишга олиб келди. Энг асосий кўрсаткичлардан бири асосий технологик ускуналардан фойдаланиш даражаси ортди. Агар соҳада 1965 йили навли унларни ишлаб чиқаришда валларнинг 1 см ига бериладиган солиштирма оғирлик суткасига 85-105 кг, элак юзаларининг 1 м³ ига 700-1000 кг бўлса, Ўзбекистоннинг илғор комбинатларида (Тошкентдаги 1 ва 2 ва Наманган ун комбинатларида) эса юқоридаги юкламалардан ошириқроқ солиштирма оғирликда ишладилар.

1966-1973 йилларда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш устида иш олиб борилди. Шу йилларда республика вилоятларидаги 8 та ун комбинатларида умумий унумдорлиги суткасига 1680 тн, умумий ҳажми 193,7 минг тн. бўлган 7 та элеватор қурилди (2-жадвал).

**Ўзбекистон Республикасида 1966-1973 йилларда қурилган
тегирмон ва элеваторлар**

№	Вилоятлар	Корхонанинг тури	Ўлчов бирлиги	Тегирмонларнинг унумдорлиги, элеваторларнинг ҳажми
1	2	3	4	5
1	Янгийўл	Ун заводи	т/сутка	120
2	Фарғона	Ун комбинати	--/--	120
3	Наманган	Ун комбинати	--/--	240
4	Нукус	Ун заводи	--/--	240
5	Андижон	Ун комбинати	--/--	240
6	Самарқанд	Ун комбинати	--/--	240
7	Бухоро	Ун комбинати	--/--	240
8	Навои	Ун комбинати	--/--	240
	Жами:			
9	Фарғона	Элеватор	Минг.т	27
10	Андижон	Элеватор	--/--	17
11	Самарқанд	Элеватор	--/--	27
12	Наманган	Элеватор	--/--	27,4
13	Бухоро	Элеватор	--/--	35
14	Навои	Элеватор	--/--	30,8
15	Охангарон	Элеватор	--/--	29,5
	Жами:			193,7

Жадвалда кўрсатилган ун заводлари ва комбинатларининг сони 25 йирик товар корхоналаридан иборат бўлиб, уларнинг умумий унумдорлиги 4610 т/с ни ташкил қилиб, навли ун ишлаб чиқариш бўйича уларнинг тақсимланиши 3-жадвалда берилган.

**Ўзбекистон Республикасида навли ун ишлаб чиқариш бўйича
унумдорликнинг тақсимооти**

№	Навли ун ишлаб чиқариш, %	Тегирмонларни сони	Унумдорлиги, т/с
1	3-навли-75	1	255
2	3-навли-78	10	2825
3	2-навли-78	6	795
4	1-навли-85	6	575
5	Жайдари	2	160
	Жами:	25	4610
	Шундан навли унлар ишлаб чиқариш		4450

Жадвалдан маълум бўладики, навли ун ишлаб чиқарадиган ун корхоналар салкам 96% ташкил қилиб, келгусида жайдари унлар ўрнига навли унлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Сохада товар тегирмонларнинг кўпайиши натижасида республикада ун саноатининг концентрация даражаси аста-секин кўтарилиб боради.


(4-жадвал ва диаграммага қаранг)

**Ўзбекистон Республикасида ун саноатининг концентрация
даражаси**


Корхоналар сони	Йиллар						
	1938	1968	1969	1970	1971	1972	1973
Жами:	2150	545	463	327	232	180	174
Шу жумладан вазирликга қарашли тайёрлов корхоналар	24	17	18	20	25	25	25
Қолган корхоналар	2126	528	445	307	209	155	149

Республикадаги йирик корхоналарда умумий ун ишлаб чиқариш хажми кўпайиши билан қишлоқ хужалик тегирмонларида ун тайёрлаш миқдори камайиб бошлади. Умумий ун ишлаб чиқариш салмоғи 1938 йилда 20,9% ни, 1973 йилга келиб эса 0,6% ни ташкил қилади. (5-жадвалга қаранг)

Республика халқининг истеъмол қилинган ун миқдори ва четдан олиб келинган дон



Ўзбекистон Республикасининг ун саноатининг концентралаш даражаси (%)



Шартли белгилар:

- 1-товар тегирмонларида ишлаб чиққан ун;
- 2-товар тегирмонларида маҳсулотни умумий ҳажми, ҳаммаси;
- 3-товар тегирмонларида кишлоқ хўжалик тегирмонларини жами;
- 4-товар тегирмонларини жами;
- 5-товар кишлоқ хўжалик тегирмонлар ишлаб чиққан ун.

Товар тегирмонларини салмоқ огирлиги

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида ун ишлаб чиқарадиган товар қишлоқ
хўжалик тегирмонларнинг салмоқдорлиги (%)**

	Йиллар				
	1938	1969	1970	1972	1973
Ун ишлаб чиқариш, жами	100	100	100	100	100
Шу жумладан: А) Республика тайёрлов вазирлигига қарашли корхоналарда	79,1	97,3	98,4	99,3	99,4
Б) Булардан ташқари. Қишлоқ хўжалик тегирмони	20,9	2,7	1,6	0,7	0,6

^x-“Азияхлеб” ва ЦСУ маълумотлардан олинган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўртача битта қишлоқ хўжалик тегиромни 1 йилда 45 т ун ишлаб чиқарилган, бу эса унинг техникавий даражаси пастлигини кўрсатади. Айниқса, қиш кунлари қаттиқ совуқ бўлганда, сувлар, мўзлаб қолиб, тегиромнлар ойлар ишламай туриб қолган.

Республика ун саноати товар тегирмонларининг омборларида катта хажмда хосил бўлган тайёр маҳсулотларини тахлаш, уларни автомобил ва темир йўл транспортларига ортиш ва тушириш механизациясиз жуда қийин кечган, чунки ун ишлаб чиқариш цехларида унларни 70 кггли қопларга қадоқлаб, уларни омборларига тахлаш қўл кучи билан амалга оширилган.

Қопланган унларни юк ташувчи ишчилар 60 тн ли темир йўл вагонларига ортишган. 1960 йилларда қопга қадокланган унларни штабел қилиб тахлаш учун омборларига РК-34 русумли мосламалар ўрнатилиб, бу жараён 100% механизация зимасига юкланди, уни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

6-жадвал

**Республика ун корхоналарида РК-34 русумли қопли унларни
штабель шаклида тахлаш қурилмалар жадвали.**

№	Ун комбинатлари	Қурилмаларни сони
1.	№1 Тошкент ун комбинати	2
2.	№2 Тошкент ун комбинати	1
3.	Бухоро ун комбинати	2
4.	Самарқанд ун комбинати	2
5.	Андижон ун комбинати	2
6.	Жиззах ун комбинати	2
7.	Қўқон ун комбинати	2
8.	Қарши ун комбинати	2
9.	Охангорон ун комбинати	2
	Жами	17

1967 йилларда ун саноатида ун маҳсулотларини қопсиз ҳамбаларда сақлаш ва унларнинг махсус 8 т. ли автомабиллар ёрдамида нон корхоналарига олиб бориб бериш усуллари жорий этилди. Республикада 1 чи Тошкент ун комбинатида 1967 йили хажми 1200 т. тенг бўлган омбор қурилади. Бу жараён эса унларни қопсиз сақлаш ва уларни нон заводларига олиб бориб натижасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ягона илмий тадқиқот ва технологияси сиёсатини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади.

Амалга оширилган техникавий тадбирлар натижасида 1973 йилда тайёрлов министрлигига қарашли корхоналарда механизация даражаси 1970 йилга нисбатан 79% ни ташкил қилди (7-жадвал).

**Республикада нон заводлари ва ун комбинатларида қурилган
махсулотни қопсиз сақлаш цехларининг ҳажмлари**

№	Нон завод лари	Жойлашган ери	Ҳажми, т	Корхона номи	Жойлашган худудлари	Ҳажми, т
1	1-нон завод и	Тошкент	700	1-ун комбинати	Тошкент	1200
2	2- --/-- -	--/--	700	2- ун комбинати	Тошкент	750
3	3- --/-- -	--/--	700	ун комбинати	Самарқанд	350
4	4- --/-- -	--/--	625	ун комбинати	Наманган	90
5	5- --/-- -	--/--	300	ун комбинати	Андижон	90
6	Булка -	--/--	300	ун комбинати	Оҳангарон	200
	Қандо лат комби нати					
7	Нон комби нати	Андижон	500	Ун комбинати	Навои	200
8	Нон комби нати	Самарқанд	300	Ун комбинати	Жомбой	600
9	Нон комби нати	Наманган	200	Ун комбинати	Жиззах	600
				Ун комбинати	Қарши	600
	Жами:		4325			5280

1971-1975 йилларда ун маҳсулотларини сифатларини ошириш ва юқори навли унларини “виходлари”ни тахминан 10% ошириш чоратадбирларини амалда қўлланди, шу йилларда Республика тайёрлов Вазирлиги Вазири Ашуралиев Р.С. ўз ишини янги корхоналар қуриш, ҳаракатдагисини эса реконструкция қилиш натижасида навли ун ишлаб

чиқарадиган тегирмонларнинг 1975 йил умумий унумдорлиги суткада 6270 т. навли ун маҳсулотларнинг салмоқ оғирлиги умумий ҳажмда 97,1% ташкил қилади. Бу эса республика аҳолисини навли ун билан таъминлаб, четдан келтирадиган ун миқдорини камайтириб, донни олиб келишни шу миқдорга оширади. (диаграмма) қаранг (4 - расм)

Юқоридаги жадвалларда берилганидек республика вилоятлари жуда катта ҳажмда ун комбинатлари қурила бошлаб аста-секин ишга туширила бошланди. Тегирмонлардаги мураккаб технологик жараёнлар ва техникаларни биладиган юқори илмга эга бўлган мутахассисларни етишмаслиги сезилиб қолди. 1970 йиллардан бошлаб Одесса Барнаул шаҳарлари ва соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган Олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёш кадрларни юқоридаги кўрсатилган институтларга бориб республикага 50-60 битирувчиларни олиб келинар эди. Лекин улар ўзоғи, билан бир йилга бормасдан ўз жойларига қайтиб кетар эдилар. Вазирликнинг келгусида, вилоятларга қатор комбинатлар қуриш режалаштирилган эди. Бу корхоналарга ҳам мутахассислар зарурлигини эътиборга олган ҳолда Вазир Ашуралиев Р.С. ташаббуси билан биринчи марта Абу-Райхон Беруний номли Тошкент Политехника институтининг кимё-технология факультетида 1975 йили ун-ёрма ва омихта ем саноати учун инженер-технологияларни тайёрлайдиган мутахассислик очилиб талабалар қабул қилинди. Институтда шу соҳа бўйича профессор-ўқитувчилар бўлмагани сабабли 1977 йилда Вазирликнинг техника кенгашининг раиси, техника бошқармасининг бошлиғи, иқтисод фанлар номзоди муаллиф, институтнинг ректори Ўзбекистон фанлар академиясининг академики Ахмедов К.С. нинг хати орқали шу кафедрага мудири қилиб тайинланади. “Донни сақлаш ва уни қайта ишлаш” кафедраси, 1980, 1981, 1982 ўқув йилларида республика биринчи маҳаллий ёш мутахассисларини тайёрлаб беради. Бугунги кунда бу “ёш кадрлар” республикамизни турли вилоятларида, корхонанинг бош мухандиси, раҳбари ва вилоятлардаги

соханинг уюшма раислари бўлиб ишлаб келмоқдалар. 3 йилда тайёрланган ёш мутахассисларни сони 170 ни ташкил қилади.

1991 йилдан кейин қишлоқ жойларидаги кўпгина жамоа, ширкат хўжаликларида кичик тегирмонлар қуриш авж олди. 90-йилларгача ун саноати корхоналари учун ғалла ва уннинг муайян қисми четдан олинар эди. 1994 йилдан Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлаш дастури амалга оширила бошланди. “Ўздонмахсулот” компанияси таркибида 9 навли ун, манний ёрмаси ишлаб чиқарадиган 52 та завод бор. Уларнинг 17 таси замонавий технологик ускуналар (асосан Швейцариянинг “Бюлер АГ” фирмаси) билан жиҳозланган. 1994 й. “Ўздонмахсулот” корхоналарида 2945 минг т ун ишлаб чиқарилди.

Ёрма саноати. Сули, гречиха, буғдой, арпа, маккажўхори, шоли ва дуккакли экинлар (нўхат, ловия, ясмиқ) донидан бир неча хил ёрма ишлаб чиқарилади. Республика ёрма саноатида асосан шolidан турли навли гурунч тайёрланади, кейинги йилларда арпа ёрмаси (оқланган арпа) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тошкентдаги 4-дон маҳсулотлари комбинатида 1930 йил обжувоз негизида бир суткада 30 т гурунч ишлаб чиқарадиган завод қурилди. 1950 йилда Тошкент гурунч комбинатида йилига 22 минг тонна гурунч ишлаб чиқарадиган 3 та гурунч цехи ишга туширилди. 1970 йилдан дон қабул қиладиган корхоналар ва дон маҳсулотлари комбинатларида алоҳида гурунч цехлар қурилди. Қорақалпоғистоннинг Тахиатош, Хўжайли, Қонликўл, Шуманай, Чимбой туманларида, Хоразм вилоятининг Урганч, Хонқа, Боғот туманларидаги гурунч заводлари йирик корхоналар ҳисобланади. Республикада 13 та гурунч заводи қурилган. 1994 йилда Мўзробод (Сурхондарё вилояти) гурунч заводидаги қуввати 100 т/сутка га тенг бўлган янги гурунч цехи Швейцария ускуналари билан жиҳозланди. Навоий ва Когонда маккажўхори уни ва ёрмаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 1994 йилда Сирдарё, Шовот, Хўжайлида арпа ёрмаси ишлаб чиқарадиган линиялар ўрнатилди (8-жадвал).

Ун ва ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқариш (минг т.)

	1940	1950	1960	1970	1980	1990	1994
Ун, жами	307,7	24,03	448,0	826	1469,7	2555,9	2945,1
Шу жумладан навли ун	306,9	96,8	403,9	787,8	1420,5	2490,3	2919,6
Ёрма, жами	1,92	42,2	8,66	84,14	163,2	325,5	246,4
Шу жумладан манний ёрмаси	1,92	1,05	1,56	2,46	5,3	5,8	4,6
Гурунч, жами	-	-	7,1	81,7	157,9	319,7	239,9
Арпа ёрмаси	-	-	-	-	-	-	1,91

Ун-ёрма саноатининг жадал ривожланиши муносабати билан ҳамда республиканинг ун маҳсулотига бўлган талабини қондириш учун моддий-техникавий мезонни барпо этишда республика дон маҳсулотлари саноати ишлаб чиқараётган маҳсулот сифати доимий назорат остида бўлиши ва шунингдек, янги пайдо бўлган ёрма саноати объектлари, хусусан, суткасига 500 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган тегирмонлар ўзлаштирилишини тезлаштириш зарур эди. Бунинг учун маҳсулотнинг сифатини аниқлаш, стандартлаштириш ва сертификатлаш бўйича юқори малакали мутахассислар керак. Ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш учун эксплуатация мутахассисларининг малакасини ошириш, кадрлар бошқарувининг ўрта ва юқори поғонасидаги бўлғуси раҳбарлари заҳарасини ташкил этиш лозим эди.

1994 йили Сирдарё гурунч заводида гурунч ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилади. Бу амалга оширилган техникавий тадбир

Республиканинг бошқа гурунч заводларида ҳам амалга оширилади. Бу технологиянинг афзалиги 1 цехда хом ашёнинг захирасига қараб ҳам гурунч ҳам арпа ёрмаси ишлаб чиқарилади.

Совет даврида дон ва донни қайта ишлаш соҳасида катта ютуқларга эришилганига қарамай Ўзбекистонда дон етиштириш имкониятлари инобатга олинмади, бошқа Республикаларга нисбатан ижтимоий меҳнат тақсимооти тўғри ташкиллаштирилмади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юртимизда дон етиштириш учун қулай имкониятлар мавжудлигига қарамасдан, уларни четдан олиб келишга катта аҳамият берилди, аҳолини арзон ва сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи тўғри ҳал қилинмади. Бу эса қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор муаммоларнинг юзага келишига олиб келди.

4. Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш ва унинг аҳамияти

Давлатимиз эндигина мустақилликни қўлга киритган 90 йилларнинг бошида унинг бошида жуда кўп муаммолар кўндаланг турар эди. Бу алғов – далғовлар эски тузумнинг яшаб бўлгани ва янги тузумнинг туғилаётганидан, Ўзбекистоннинг бошида оғир синов йиллари турганлигидан дарак берар эди.

Биринчидан, собиқ СССР давлати инқирозга юз тутган бўлиб барча аҳолисининг иқтисодий муаммоларини ҳал эта олмайдиган даражада чорасиз қолган эди;

Иккинчидан, бу ўта мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг аввало озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш ҳаёт-мамот масаласига айланиши тайин эди.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон деярли 130 йил давомида хомашё етказиб берувчи муҳим стратегик объектга айлантирилган, унда ишлаб чиқариш илмий нуқтаиназардан етарли даражада эди. Дон маҳсулотлари етиштириш учун ўзимизда катта имкониятлар мавжуд бўлишига қарамасдан, юртимизда жуда кам дон ишлаб чиқарилар, барча эътибор пахта етиштиришга қаратилган, дон эса бошқа республикалардан олиб келинар эди.

Мустабид тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти буткул «марказ»га қарам бўлиб қолган эди.

Бу даврда собиқ СССР республикаларининг барчасида ҳам турли муаммолар кўндаланг турар, собиқ тузумнинг ўн бешта республика иқтисодиётини айнан бир – бирига қарам ҳолда ташкиллаштиргани, шу шароитда унинг инқироzi кўпчилик давлатларни эсанкиратиб қўйган, кундан - кунга кутилмаган ҳолатларда янги-янги муаммолар келиб чиқар эди.

Ана шундай мураккаб шароитда бизнинг эндигона мустақилликка эришган давлатимизнинг олдида кўп миллионли ўзбек халқини доимий ва узлуксиз озиқ - овқат маҳсулотлари, жумладан, нон маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб масала сифатида турар эди. Бунинг устига маблағ топиш ва уни ишлатишни ташкиллаштириш Ўзбекистон олдидаги энг муҳим масалалардан бири эди.

Иқтисодий танглик шароитида ёш мустақил давлатимиз учун четдан дон ва дон маҳсулотларини олиб келиш ва халқ таъминотини амалга ошириш мураккаб масала эди. Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи эмас, асосан пахта хомашёсини етказиб берувчи регион бўлганлиги туфайли ҳам дабдурусдан бу масалани ҳал эта олмас, уни ҳал этиш учун йиллар, давлат ва халқнинг саъйи – ҳаракати, тинимсиз меҳнат талаб этиларди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 500-700 минг, нари борса 1 миллион тонна ғалла ишлаб чиқариларди. Бу кўрсаткич жуда кам бўлиб, халқ истеъмоли учун йилига 4,5 – 5 миллион тонна дон керак эди. Четдан дон сотиб олиш йилига 350-400 миллион долларга тушар эди¹.

Ўзбекистондан экспорт қилинган пахтанинг катта қисмига дон сотиб олинар эди. Бу эса Ўзбекистондан дон маҳсулотларини етиштиришга катта эътибор қаратиши лозимлигини кўрсатди.

Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш масаласини долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўйди ва бу масалада керакли чора –

¹ Муста=ил юрт \алласи. - Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 37.

тадбирлар ишлаб чиқилди. Аграр соҳада қўлланилган тўғри тадбирлар, жумладан, юримизда фермерлик ҳаракатига катта эътибор қаратилиши кишиларда хусусий мулк тушунчларининг шаклланишига олиб келди ва буларнинг натижасида дон етиштиришда катта ютуқларга эришилди.

Шу тариқа йиллар давомида қўлланилган тадбирлар ва сарфланган меҳнат ўз самарасини берди. Ўзбекистон минг йиллар олдинги ғаллачилик анъаналарини тиклади ва бу соҳада ўзининг тарихий кульминациясига эришди.

Агар 1992 йилда 1 миллион 250 минг тонна дон етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 0,5 миллион тоннадан ошиб кетди. Том маънода Ўзбекистон дон мустақиллигига эришилди.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, бир гектар ерда етиштирилган 30 центнер пахта ҳосили 380 минг сўм даромад келтирса, 50 центнер ғалла 300 минг сўм даромад беради. Аммо пахтани етиштириш учун ғаллага нисбатан 22 баробар кўп сарф – ҳаражат талаб қилинади. Бу эса пахта майдонларини қисқартиш орқали мамалакат иқтисодиёти зарар кўрмаётганлиги, аксинча иқтисодий барқарорлик сари қадам қўйилиб, ҳалқ эҳтиёжлари қондирилаётганлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, луғатимизда «уруғлик индустрияси» деган янги атама жой олди. Маълумотларга кўра саноатлашган 37 та донни қайта ишлайдиган заводлар қурилган. Бу рақамлар кундан – кунга ортиб бормоқда.

Ғалла мустақиллиги шарофати билан нафақат уруғлик индустрияси балки дон ва донни қайта ишлаш технологиялари соҳасида ҳам катта ўзгаришлар кўзатилмоқда. Дон мустақиллиги туфайли юртимизда ўнлаб янги заводлар, корхоналар барпо этилди. Дон мустақиллиги дон индустриясининг жадаллик билан ривожланишига катта замин яратди.

Хозир юртимиздаги мавжуд технологиялар ўн икки турдаги ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга.

“Ўздонмахсулот” компаниясининг ташкил этилиши ва унинг тизимига дон ва донни қайта ишлаш соҳаларининг тизимлаштирилиши аҳоли таъминотини мувофиқлаштирида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларига кўра, компания тизимидаги корхоналар асосан ҳалқимиз дастурхонини қандолат (172 хил турда), макарон (22 хил турда), нон ва нон маҳсулотлари (102 хил турда) билан таъминлашга хизмат қилади. Истиқлол йилларида бундай маҳсулотлар ҳажми, ассортименти ва сифатини ошириб боришга жиддий эътибор қаратила бошлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, мавжуд корхоналардаги эски технологиялардан воз кечиб, ўрнига босқичма-босқич равишда янги, замонавий, жаҳон андозалари талабига жавоб жавоб берадиган асбоб-ускуналарни ўрнатиш талаб этилар эди. Таъкидлаш жоизки, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. “Ўздонмахсулот” давлат акционерлик концерн вазири А.М.Муталов ташаббуси билан республикамизга 115 та “Винклер”, 38 та “Экмосан”, 6 та “Гастол” русумли хорижий технологияга асосланган дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда улар ёрдамида 274 хилдаги қандолат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ўтган йиллар давомида тўлиқ янги ускуналар билан жихозланган бир нечта қўшма корхоналар ишга туширилди, Наманган, Фарғона, Нукус, Хоразм шаҳарларидаги ун ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳалқаро андозаларга мос равишта тўлиқ реконструкция қилинди.

Тизимда 186 та ун корхоналари бўлиб, уларнинг бир кунлик қуввати 2865 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Аҳолининг ўзида шартномадан ташқари дон қолаётгани сабабли 2002 йилда бир кунда ўртача 957 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Республикада эришилган ғалла мустақиллигини кафолатлашда уруғлик доннинг сифатини яхшилаш ҳам муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда 30 дан ортиқ янги уруғчилик цехлари қурилди. Ҳозир уларда республикамизнинг ўзида етиштирилган 20 дан ортиқ турдаги ғалла навлари уруғи сифатли сараланиб, экиш учун тайёрлаб бериляпти.

Компания тизимидаги корхоналар билан дон етиштирувчилар ўртасидаги муносабатлар икки томонлама тенг асосларда тузилган шартномаларга биноан йил сайин ривожланиб борапти. Дастлабки пайтларда маҳсулот етиштириш ва қабул қилиш юзасидан фақат жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузилар эди. Эндиликда фермерлар ҳам мустақил равишда корхоналар билан тўғридан-тўғри ана шундай ҳуқуқий муносабатлар ўрнатишяпти. Ўз навбатида, ўзаро муносабатларни қонуний асосларда йўлга қўйишга бўлган қизиқиш, қолаверса томонларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган интилишлари ҳам кучайиб борапти. Айниқса, кейинги икки-уч йилда хўжалик судларида ҳар иккала томоннинг эътирозларига асосланган даъво аризаларининг кўриб чиқилиши ҳолатлари бирмунча кўпайди. Бу эса ҳар бир субъектнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ўрганаётганлигидан далолат беради.

Яна бир эътиборли жиҳати, кейинги йилларди корхоналарда деҳқонлар етиштирган донни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва сифатли сақлаш имконини берувчи элеватор ва механизациялаштирилган омборларга эга бўлган моддий –техника базаси яратилди. Бугунги кун 190 та, шу жумладан, 47 та дон қабул қилиш корхоналари, 38 та қайта ишловчи ва тайёрлов элеваторлари, 105 та ёрдамчи шохобчалар фаолият кўрсатяпти.

Тармоқдаги саноат корхоналарининг хорижда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жихозлаш юзасидан компания бошқарувининг маҳсус қарори қабул қилинган. Унга кўра, 2004 йилдан эътиборан имконият даражасида молиявий манбалар кўпайтирилди, ҳар йили камида иккитадан ун комбинатларини қайта жихозлаш кўзда тутилган. Юқорида таъкидлаганимдек, Германиянинг “Винклер” , Югославиянинг “Гастол” ва Туркиянинг “Экмосан” фирмалари линияларини олиб келиб ўрнатиш ишлари бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йилда қабул қилинган “Бошоқли дон экинлари навлари бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларни селекцияси, уруғчилигини яхшилашга доир чора

тадбирлар тўғрисида”ги 317-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда донни алоҳида навларига қараб қабул қилиш, шу асосида дорилаш, навлари билан тақсимот йўсинида жойларга етказиб бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2004 йилги ғалла ҳосили учун уруғлик дон тайёр юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилинган. Унга асосан корхоналар белгиланган миқдордаги уруғлик донни жамғариб, тозалаб, саралаб, дорилаб хўжаликларга етказиб беради.

Бу ишни тўла – тўқис амалга ошириш учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилган. Уруғлик донни дорилашда ишлатиладиган кимёвий препаратлар келтириш юзасидан ҳам тегишли шартномалар имзоланган, бу борада ҳам ҳеч қандай муаммо юз бермаслигига ишончимиз комил. Мавжуд хом ашёни қайта ишлаб турли хил маҳсулотларга айлантирган ҳолда истеъмолчиларга ўз вақтида сифатли даражада етказиб бериш мўлжалланган.

Илгари дон етиштиришда асосий эътибор миқдорга қаратилган. Нима қилиб бўлса ҳам аҳолини етарли миқдорда ун, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашга ҳаракат қилинган. Республикамизда ғалла мустақиллигига эришилиши натижасида эса бу борада ҳам сифат масаласига жиддий эътибор берила бошланди. Бу хусусда махсус ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ун ишлаб чиқаришда тўла биринчи ва олий навли ун тайёрлаш масаласига эътибор қаратилди. Натижада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. “Алпомиш” , “ШаҳриКеш” қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган уннинг сифати бугунги талабларга тўла жавоб беради. Уларнинг маҳсулоти ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Келгусида бундай замонавий тегирмонлар сонини кўпайтириш мўлжалланган.

Корхоналарда ҳозир ишланаётган уннинг нави хорижникидан қолишмайди. Келажакда уларнинг барчасини замонавий ускуналар асосида тўлиқ реконструкция қилгач ҳалқимизни , олий ва биринчи навли ун билан етарли миқдорда таъминлаш долзарб масала сифатида белгиланган.

Бунинг учун деҳқон ғаллани ўз хирмон жойида сифатли қилиб қуришиб, тозалаши ва шундан кейингина қайта ишлаш корхоналарига олиб келиб топшириши керак. Шу пайтгача бизда бунга эътибор берилмаган, даладан ўриб олинган ғалла комбайн бункеридан тўғри қайта ишлаш корхоналарига ташиб келтирилган. Бу эса унинг сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Эндиликда ана шундай ҳолатларга ҳам аста – секин барҳам берилади. Ширкат ва фермер хўжаликлари мутассаддилари ўзлари етиштирган донни яхшилаб қуришиб, тозалагач, корхоналарга топширишса, унинг сифатини ҳам яхшиланиб боради¹.

Умуман олганда дон етиштириш ва уни қайта ишлаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида эса қуйидаги масалалар ўз ечимини топди: **Биринчидан**, аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти юзага келди. Ўзбек ҳалқи кадимги палеолит давридан бошлаб ҳали ишлаб чиқариш нималигини билмаган кезларида ҳам термачилик, хусусан дон маҳсулотлари билан тирикчилик ўтказиб келган. Маданий ҳаёти бошланган даврдан бошлаб эса ерли ҳалқ ўз юртида дон маҳсулотларини етиштирган ва ерли ҳалқ бу масаладаги эҳтиёжини азалдан қондириб келган эди. Шу ниятда заҳматкаш ота - боболаримиз янги ерларни очишган, суғориш иншоотларини қуришган, дон ва уларни қайта ишлаш технологияларини кашф этишган. Кадимги археологик манбалар бурунги аجدодларимиз яшаган манзилгоҳларда қолган ғалла қолдиқлари, уларни сақлаш хоналари, қайта ишлаш технологиялари ҳақида ишонарли маълумотларни беради.

Иккинчидан, ҳалқ учун янги-янги иш жойлари ва қўшимча даромад манбаи яратилди. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини иш билан таъминлаш, мулкчиликнинг том маънода илдиз отишига таъсир кўрсатди.

Учинчидан, пахта майдонларининг бир қисми қисқартирилиб, бу ерларга ғалла экилиши ҳисобига экинларни алмашлаб экиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имконияти яратилди. Шуниси қувонарлики,

¹ Илғор технологияларга суяниб... - / Мустақил юрт ғалласи... - Б.76-83

дон мустақиллиги туфайли боболаримиз каби ерга дам бериш усуллари қайтадан тиклаш ва қўллаш имкониятига эга бўлдик. Аждодларимиз ерни алмашлаб экиш орқали ҳам ернинг унумдорлиги ва қуввати асраб қолишга эришганлар ва бу борада катта тажрибага эга бўлганлар.

Айникса, ғўза қатор ораларига буғдой уруғининг сепилиш усулининг қўлланилиши бир йилда бир неча марта ҳосил олиш имкониятини кучайтирди ва бу ҳам мулкчиликнинг кўпайишига ўз таъсирини кўрсатди.

Туртинчидан, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш ҳисобига сабзавот етиштириш ҳажми кўпайди ва бу ҳам деҳқонларга қўшимча даромад олиш имконини берди. Сабзавотларнинг мўл булиши давлатимизнинг бу соҳадаги экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилди ва ўзимизда ҳам консерва саноатининг тараккий этишига замин яратди.

Бешинчидан, четдан ғалла сотиб олиш учун сарфланган валюта иқтисод қилиб қолинди. Бу эса йилига 350-400 млн. доллар маблағнинг тежалиши билан изоҳланади. Бундан кўринадики, дон мустақиллиги мамлакатнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашга олиб келган катта омиллардан биридир.

Олтинчидан, Ўзбекистон дон ва дон маҳсулотлари бўйича ўзга давлатларга қарамликдан қутулди¹. Бу эса минтакаларда эркин сиёсат олиб боришга муҳим таъсир кўрсатди ва давлатимизнинг обрўсини оширди.

Еттинчидан, чорва моллари учун озуқа базаси яна-да мустаҳкамланди. Дон маҳсулотлари поялари чорвачиликнинг бир маромда ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Чорвачиликда ички омиллардан оқилона фойдаланиш усули кучайтирилди.

Янги технологияларнинг кириб келиши қўл меҳнатини камайтирди. Жойларда экологик муҳитнинг соғломлашишига катта таъсир кўрсатди, маҳсулот таннархи арзонлашди. Корхоналарда ишлаб чиқариш шароитлари яхшиланиб бормоқда. Том маънода дон индустриясида модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса маҳсулотларнинг сифати

¹ Хусанов Р. Машаққатлар ортидаги қувонч. - / Мустақил юрт ғалласи... – Б. 12 - 28

яхшиланишига замин яратиб оз фурсатда кўп маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бунинг натижасида нафақат давлатимиз аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаш, балки уни четга экспорт қилиш имкониятини ҳам берди. Бу албатта ажабланарли ҳолат 15 – 16 йил аввал Ўзбекистон эҳтиёжи учун зарур бўлган доннинг 95 % и четдан келтирилган бўлса бугунги кунда Ўзбекистон дон мустақиллигига эришиш билан ҳам чекланиб қолмади, балки бу соҳада экспорт салоҳиятига ҳам эга бўлди.

Бугунги кунда юз минглаб тонна ун Афғонистон ва бошқа давлатлар экспорт қилинмоқда.

Қисқа фурсат ичида Ўзбекистон дон индустрияси мамлакатига айланди. Бу албатта давлатимизнинг бу соҳадаги давлат сиёсати даражасидаги тинимсиз саъйи ҳаракатлари ва заҳматкаш ҳалқимизнинг оғир меҳнати самарасидир.

Дон индустриясининг жадал ривожланиши ўз навбатида дон ишлаб чиқариш соҳасининг илмий базасини яратиш масаласини келтириб чиқарди.

Президент И.А. Каримовнинг ташаббуси билан республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 августда қабул қилинган 419 – сонли қарорига асосан Андижон вилоятида суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий – тадқиқот институти ташкил этилди. Орадан бир йил ўтгач, буғдой навларини бир минтақага мослаштириш, уларни парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқариш мақсадида ҳукумат қарорига биноан институтнинг Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ҳам филиаллари ташкил этилди. Институтнинг ҳар бир филиалига тадқиқотлар олиб бориш учун 300 гектардан ер ажратилди.

Бу эса дончилик соҳасининг илмий асослари яратилиши серҳосил, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга қарши чидамли уруғлик навларнинг яратилишига ва республикаимиз худудларида тарқатилишига замин яратди. Шунингдек бир йилда икки – уч марта ҳосил олиш технологиялари ҳақида ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Дон соҳасининг тараққий этиши малакали мутахассисларга эҳтиёж туғдирди.

Шу туфайли бизнинг Тошкент Кимё-технология институтимизда ҳам дон ва уни қайта ишлаш технологияси мутахассислиги йўналишига катта эътибор берилмоқда.

Бу даргоҳда дон ва донни қайта ишлаш технологияси илмий жиҳатдан таҳлил этилиб, сифат ва самарадорликни ошириш йўлида тинимсиз илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мутасадди ташкилотлар, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари институтлари тегишли кафедраларининг илмий ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади. Улар ўртасида узвий алоқаларни кучайтириш дон ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш соҳасида янги технологияларнинг жорий этилишига, сифат ва самарадорликни оширилишига хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, Ўзбекистонда қисқа ўн – ўн беш йил ичида дон мустақиллигига эришиш билан бирга уларнинг кимёвий қайта ишланиши ва аҳолига етказиб берилишигача бўлган жараёнларда катта миқдор ва сифат ўзгаришлари юз бердики, бу албатта истиклол шарофатидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Тухлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ” Давлат илмий нашриёти Тошкент – 1998.
2. Абдуллаева Н. Дунё ободлиги сизлардан. Тошкент Ислом Университети нашриёти 2001 йил.
3. История отрасли хлебопродуктов Ўзбекистана. Тошкент, изд-во “Политграфическая акционерная компания” “Шарқ”2001
4. Мустақил юрт ғалласи. - Тошкент :“Ўзбекистон”, 2003
5. “Ўзбек Миллий энциклопедияси ” № 3 Давлат илмий нашриёти Тошкент – 2002.